



И.В.Сталин шахсига сигиниш – Унинг шахсини оммавий ахборот воситаларида, маданият ва санъат асарларида, давлат хужжатларида улуглашдир. Сталин шахсига сигиниш 1920-йилларнинг ўрталарида бошланиб, 1961 йилга келганда давом этган.

Характери жihatдан шунга ўхшаш, аммо кўлами анча кичикрок бўлган ҳолатлар шу даврдаги бошқа давлат арбобларига нисбатан ҳам кузатилган (М. И. Калинин, В. М. Молотов, А. А. Жданов, Л. П. Берия ва бошқалар), аммо И.В.Сталин шахсига сигинишга факат В.И.Ленин шахсига сигинишнигина тенглаштириш мумкин.

«И.В.Сталин шахсига сигиниш» ибораси 1956 йилда Н.С.Хрушевнинг «Шахсга сигиниш ва унинг оқибатлари ҳақида» номли маърузасидан ҳамда КПСС МКнинг «Шахсга сигиниш ва унинг оқибатларини бартараф этиш тўғрисида»ги қароридан кейин кенг оммалашиб кетди.

Пайдо бўлиш сабаблари

Совет хокимиятининг мафкуравий асоси бўлган марксизм-ленинизм тенглик тўғрисидаги марксистик коидадан келиб чикиб, «шахсининг тарихдаги роли»ни чеклаган холда назарий жихатдан дохийпарастликни инкор килади. Айни пайтда баъзи олимлар дохийпарастликни амалий социализмнинг табиий окибати деб хисоблайди. Масалан, рус файласуфи Н.А.Бердяев «Ленинизм янги турдаги дохийпарастлик бўлиб, у омманинг диктаторлик хокимиятига эга бўлган дохийсини илгари суради» деб хисоблар эди.

1917 йилги Октябрь инкилобидан кейин Совет Россиясида ва СССРда В.И.Ленин ҳамда Л.Д.Троцкийга нисбатан «инкилоб дохийлари» ва оддий «дохий» унвонлари кўпликда ва бирликда ишлатила бошлади.

И.В.Сталин шахсига сигинишнинг пайдо бўлиши ВКП(б) олий раҳбарияти ҳамда Сталиннинг ўзининг мақсадли фаолияти билан ҳам, давлат ривожланишининг ўша даврдаги тарихий ва маданий хусусиятлари билан ҳам боғлиқ хисобланади.

Масалан, сиёсатшунос А.А.Кара-Мурзанинг фикрича, шахсга сигинишни И.В.Сталиннинг ўзи пайдо қилган. У ўз раҳбарлигининг сўнгигача – 1953 йилнинг мартигача бу билан энг устувор масала сифатида шугулланиб келган. [1] Шахсга сигиниш гоёсининг моҳияти барча совет халқи барча нарсалар учун партиядан, давлатдан ва ўз дохийсидан миннатдор бўлиб, уларга қарам бўлишидан иборат эди.

[2]

Бу тизимнинг жихатларидан бири барча неъматлар учун, масалан, ижтимоий хизматлар учун ва умуман, фуқароларда нимаки бор бўлса, ҳаммаси учун И.В.Сталинга шукрона изхор қилиш зарурлиги эди.

[3]

Жон Хопкинс университетининг рус тарихи профессори Жеффри Бруксинг айтишича, «Бахтли болалигимиз учун ўрток Сталинга раҳмат!» деган машхур ибора болалар уларни И.В.Сталин бахтли қилгани учунгина бахтли эканини таъкидлар эди.

[4]

Профессор С.С.Алексеев таҳрири остида муаллифлар жамоаси томонидан юридик олий ўқув юртлари ва факультетлар учун чоп қилинган «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» дарслигида Сталин шахсига сигинишнинг сабабларидан бири ҳақида шундай дейилган [5]

1

«Россиядаги кўп асрлик патернализм анъанаси кўп миллионли аграр мамлакатларга хос бўлган майда буржуача дохийпарастликда рўёбга чиқди. Дохийпарастлик руҳияти ва

рахбарни бюрократик илохийлаштириш Сталин шахсига сигиниш учун нихоятда кулай мухит бўлиб хизмат килди. 30-йилларнинг бошига келиб, тоталитар режим шафкатсиз сиёсий воқеликка айланди».

И.В.Сталин ҳокимиятини ижобий баҳоловчилар (коммунистларнинг бир қисми, эътишлар ва бошқалар) орасида шахсга сигиниш Сталиннинг шахсий фазилатлари ҳамда унинг даврида эришилган муваффақиятлар тўғрисида келиб чиққан, деган фикр юради. Масалан, «шахсга сигиниш фаш килингач», одатда М.А.Шолоховга (бошқаларга ҳам) нисбат бериладиган қуйидаги жумла машҳур бўлиб кетди: «Ҳа, шахсга сигиниш бор эди... Бироқ, шахси ҳам бор эди-да!». [\[6\]](#)

Дохийпарастлик

Совет пропагандаси И.В.Сталин шахсида маъсум дохий сиймосини яратган эди. И.В.Сталин ҳокимиятни тўлиқ ўз қўлига олгач, унга нисбатан «буюк дохий», «буюк дохий ва устоз», «халқлар отаси», «буюк саркарда», «даҳо олим», «(олимларнинг, адибларнинг, физкультурчиларнинг ва ҳоказоларнинг) энг яхши дўсти» ва шу каби унвонлар жуда қўп қўлланила бошлади. Бу унвонларни ишлатиш расмий публицистикада ва тумтарок мактовларда деярли мажбурий бўлиб қолди.

Сталин Совет Иттифоқининг ягона Генералиссимуси эди.

И.В.Сталин марксизм-ленинизм назариётчиси деб эълон қилингани боис унинг исми ва сурати К.Маркс, Ф.Энгельс ва В.И.Ленин билан бир қаторда турадиган бўлди, шунингдек, «марксизм-ленинизм» каби баъзан «сталинизм» атамаси ҳам қўлланиладиган бўлди. Аммо бу атама бир неча ўн йиллар ўтгач, у яратган сиёсий режимнинг салбий мазмундаги таърифига айланди.

Объектларнинг номлари

Бу даврда сон-саноксиз географик, халк хўжалиги, техник, харбий, транспорт, маданий ва бошқа объектлар, мукофотлар И.В.Сталиннинг (хамда унинг якин сафдошлари) номи билан номланди.

Шахарлар

Куйидаги йирик совет ахоли пунктлари Сталин шарафига номланган эди:

Сталинград (1925-1961 йилларда. 1925 йилгача – Царицын, 1961 йилдан – Волгоград; бу Сталин номининг илк бор кўйилишларидан бири эди – у Фукарлар урушида Царицын химоясида катнашган).

Сталино (1924-1961, 1924 йилгача – Юзовка, 1961 йилдан – Донецк). [\[7\]](#)

Сталинобод (1929-1961, 1929 йилгача – Душанбе, 1961 йилдан яна Душанбе).

Сталинск (1932-1961, 1932 йилгача ва 1961 йилдан кейин – Новокузнецк).

Сталиногорск (Новомосковск, 1934-1961).

Сталинири (1934-1961, 1934 йилгача ва 1961 йилдан – Цхинвал (Цхинвали)).

1937-1938 йилларда Москвани Сталинодар деб аташ таклиф килинган.

1950-йилда Варшава шартномаси ва СЭВга аъзо бўлган барча мамлакатларда И. В. Сталин шарафига номланган шаҳарлар бўлган (Чехословакиядан ташқари):

Германия Демократик Республикаси – Айзенхюттенштадт (Сталинштадт, 1953–1961);

Руминия Социалистик Республикаси – Брашов (Орашул-Сталин, 1950–1960);

Болгария Халк Республикаси – Варна (Сталин, 1949–1956);

Венгрия Халк Республикаси – Дунауйварош (Сталинварош, 1951–1961);

Польша Халк Республикаси – Катовице (Сталиногруд, 1953–1956);

Албания Халк Республикаси – Кучова (Сталин, 1950–1990);

ГДР ва ВНРдаги шаҳарлар мутлако янгидан қурилган бўлиб, улар «янги социалистик шаҳарлар» бўлиши керак эди.

Бошқа объектлар

И.В.Сталин номи билан боғлиқ номлар СССР (Коммунизм чўккиси), Болгария (Мусала), Словакия ва Карпат тоғлари (Герлаховски-Штит) ҳамда Канада ҳудудидаги Маунт-Пек тоғидаги энг юксак чўккиларга қўйилган.

Москва метросининг «Семёновская» ва «Измайловский парк» станциялари, Беломор-Болтик канали, Лихачёв номли завод, бир қатор олий ўқув юртлари, жумладан, Тбилиси давлат университети, Москва пўлат ва қотишмалар институти (Миллий тадқиқот технология университети, МИСиС), Москва давлат тоғ-кон университети, Москва давлат технология университети, Станкин, Белоруссия миллий техник университети ва бошқаларга И.В.Сталин номи берилган.

Танклар, паровозлар ва бронепоезд И.В.Сталин шарафига номланган.

Ёдгорликлар

И.В.Сталин образи 1930-50-йиллар совет адабиётида марказий образлардан бири бўлди

.

Етакчи

хакида чет эллик коммунист ёзувчилар, жумладан, Анри Барбюс (ўлимидан сўнг чоп этилган «Сталин» китобининг муаллифи), Пабло Неруда каби адиблар асарлар ёзишган, бу асарлар СССРда таржима килиниб, катта нусхада чоп этилган. И.В.Сталин кўкларга кўтариб макталган бу асарлар деярли барча СССР халклари фольклорида ҳам кўплаб нашр килинган.

Сталиниана (Сталинга багишлов) ўша давр совет матбуотида, кинематографияда, мусикада, рангтасвирда ва хайкалтарошликда, жумладан, монументал, тасвирий ва оммавий санъат асарларида биринчи ўринда турарди. Сталин тириклигидаёк кўйилган хайкаллар, Ленинга кўйилган хайкаллар каби СССРнинг, 1945 йилдан кейин эса Шаркий Европанинг ҳам кўпчилик шаҳарларида ўрнатилган. Давлат байрамлари кунларида Москва узра аэростатларда И.В.Сталиннинг улкан портретини кўтариш ва уни прожекторлар билан ёритиб туриш мажбурий анъанага айланиб, айникса, кинематографда кенг акс эттирилган. И.В.Сталиннинг тарғиботдаги образини яратишда Сталиннинг сурати туширилган ранг-баранг мавзулардаги оммавий совет плакатлари алоҳида роль ўйнаган. Унинг суратини барча давлат ва жамоат биноларига, хоналарга ва транспортларга ўрнатиш мажбурий эди

.

Тарих манзарасини афсоналаштириш

Совет тарихининг бузиб кўрсатилишида ва афсонавий манзара яратишда бош ролни И.В.Сталин таҳрири остида тайёрланган «ВКП(б) тарихининг мухтасар курси» асари ўйнаган.

Сталин даврининг охирига келиб, инкилоб тарихи ва Фукаролар уруши воқеаларда муҳим ўрин тутган кўпгина арбоблар олиб ташланган эди. Уларнинг хизматлари ҳам И.В.Сталинга ва аслида бу воқеаларда иккинчи ва учинчи даражали иштирок этган бир неча сафдошларига, катта терроргача вафот этган бир неча машҳур большевикларга (Я. М.Свердлов, Ф.Э.Дзержинский, М.В.Фрунзе, С.М.Кировга ва бошқалар

)
нисбат берилди

[\[8\]](#)

Большевиклар партияси ягона инкилобчи куч килиб кўрсатилди, колган партияларнинг инкилобдаги роли инкор килинди. Инкилобнинг колган раҳбарлари эса соткин ва аксилинкилобчи сифатида кўрсатилди. [\[9\]](#)

Иккинчи Жаҳон урушининг расмий тарихида Кизил Армиянинг Учинчи Рейхни тор-мор килган энг йирик хужумлари «Сталиннинг ўнта зарбаси» дея талкин килинади.

Шунингдек, И.В.Сталин раҳбарлик килган сўнгги ўн йилликда Россиянинг инкилобгача бўлган тарихига, хусусан, Иван Грозный ва Петр Биринчининг даврига муносабат ўзгарди, давлатнинг ва кучли раҳбарнинг ролига алоҳида ургу берилди.

СССРдан ташкарида Сталин шахсига сигиниш

Сталин шахсига сигиниш дунёнинг аксар социалистик мамлакатларида ҳам кенг ёйилган эди. КПСС XX съезидан кейин Сталин шахсига сигиниш ҳолати Албанияда (1990 йилгача), ХХР ва КХДРда сақланиб колди.

Хозирги кунда унинг шахсига расмий равишда сигинишнинг айрим кўринишлари ХХРда ва КХДРда сакланган. У ерда И.В.Сталиннинг бир неча ёдгорлик суратлари колган бўлиб, унинг тасвири туширилган ёдгорликлар ишлаб чиқарилади. Бутун дунёдаги коммунистик кайфиятдаги айрим партиялар ханузгача И.В.Сталин меросига мурожаат қилиб туради.

И.В.Сталиннинг шахсга сигинишига муносабати

Н.С.Хрушев КПСС XX съездида ўзининг машхур доклади оркали шахсга сигинишни фош этар экан, И.В.Сталиннинг ўзи бундай ҳолатни ҳар тарафлама рағбатлантириб турганини таъкидлаган. Масалан, унинг айтишича, И.В.Сталин нашрга тайёрланган ўз таржимаи ҳолини таҳрир қилар экан, у ерга бутун-бутун саҳифаларни ўз қўли билан ёзиб киритар, ўзини халқларнинг дохийси, буюк саркарда, марксизмнинг энг юксак назариётчиси, даҳо олим ва ҳоказолар деб атар эди. [\[10\]](#) Жумладан, Н.С.Хрушёв қуйидаги иқтибосни И.В.Сталин ўз қўли билан ёзиб қўйганини таъкидлар эди: «Сталин партия ва халқнинг дохийси вазифасини маҳорат билан бажарса-да, бутун совет халқи томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланса-да, ўз фаолиятида гердайиш, мактаниш, гурурга кетишнинг соясига ҳам йўл қўймас эди».

[\[11\]](#)

Лион Фейхтвангернинг «унинг шахси олдида дидсизларча, ҳаддан ташқари сигиниб юбориш» ҳақидаги эътирозига И.В.Сталин «елқасини қисиб қўя қолган» ва «бошқа ишлар билан банд бўлиб, ўзларида яхши дидни шакллантира олмагани учун ўзининг деҳқон ва ишчиларини кечирган». [\[12\]](#)

Холбуки, И.В.Сталин баъзан ўзини макташларига йўл қўймаганлиги маълум. Масалан, ёзувчи О.С.Смысловскийнинг айтишича, Галаба ва Шухрат орденларининг дастлабки қизмаларида И.В.Сталиннинг қиёфаси бўлган, аммо у бунинг ўрнига Спасск минорасини қизишни илтимос қилган. [\[13\]](#) 1949 йилда МДУга унинг номини қўймоқчи бўлишганда И.В.Сталин кескин эътироз билдириб,

мамлакатнинг бош университети факат биргина кишининг Ломоносовнинг номида бўлиши мумкин», деган

[\[14\]](#)

Сталин даврини ўрганувчи ҳозирги тадқиқотчилар бундай ҳаракатлар «сталинча камтарлик» ифодаси эканини таъминлайди. [\[15\]](#) Россия тарихчиси Ян Плампернинг айтишича, «ўз шахсига сигинишга ошкора қарши бўлган ёки ҳеч бўлмаганда унга ноилож тоқат қилган Сталин образи шакллантирилган».

[\[16\]](#)

Сталиннинг омма олдидаги хатти-ҳаракатлари ҳам муҳим роль ўйнаган. Хотираларга мурожаат қилайлик: «Масалан, унинг (Сталиннинг) Кремль йўлақларидан ўтишларини олайлик. Бу унинг шахсига сигинишнинг ўзишга ҳос расм-русумларидан бири эди.

А

трофида сокчилар бўларди. Сталиндан 25-30 метр олдинда битта сокчи борарди. Ундан икки метрча орқада яна икки киши юрарди. Қоидага кўра деворга суяниб, кўлларни кўрсатиб туриш ва у ўтиб кетгунича кутиш керак эди. У билан қандай саломлашиш ҳақида эса ҳеч қандай кўрсатма йўқ эди. Масалан, мен у ёнимдан ўтиб кетаётган пайтда «Салом, ўрток Сталин», дер эдим. У эса бунга жавобан ўнг кўлини кўтариб қўйиб, индамай ўтиб кетаверар эди. У дадил қадамлар билан, вазмин

ва

хотиржам юриб борар, у билан сўрашган одамга эмас, қаёққадир узоққа қарарди. Унинг юз ифодаси шу қадар маъноли эдики, ўша пайтда мен унинг қалласи биз оддий одамларнинг қалласига ҳеч қачон қелмайдиган қандайдир ўзига ҳос фикрлар билан банд бўлса керак, деб ўйлардим».

[\[17\]](#)

Сталинлаштиришга барҳам бериш

Шахсга сигинишнинг энг машхур фош килувчиси Н.С.Хрущёв эди.

Хрущёв ўз докладида кинематографни шахсга сигинишни сингдириш воситаларидан бири деб кўрсатди. Кейинги беш йил давомида И.В.Сталин образи иштирок этган бадий фильмлар намоиш килинмади. [\[18\]](#)

1961 йилда И.В.Сталиннинг жасади Ленин-Сталин Мавзолейидан олиб ташланди. Хамма жойда ёппасига кайта номлашлар ўтказилди. Жумладан, Сталинград шаҳри Волгоград деб номланди, Тожикистон ССР пойтахти Сталинободнинг асл номи Душанбе кайта тикланди. Деярли барча жойларда И.В.Сталин хайкаллари олиб ташланди. Хукуматнинг қарорига биноан кўпгина бадий фильмлар цензурага олиниб, (И.В.Сталиннинг) «сунъий сингдирилган образи»дан ҳалос килинди. [\[19\]](#)

1962 йилда ИС (Иосиф Сталин) паровозлари ҳамда бошқа объектлар ФДп (Феликс Дзержинский, пассажир поезда) деб кайта номланди.

Кайта куриш

Собик СССРга Л.И.Брежнев раҳбарлик қилган йилларда шахсга сигиниш фош ҳам қилинмади, кайта тикланмади ҳам. Жамиятда бу қадар зиддиятли ва шов-шувли мавзу бўйича эҳтиросларни кўзгамаслик мақсадида жиддий зарурат бўлмаса, И.В.Сталинни умуман эсламасликка ҳаракат қилинди. У ҳақда Катта совет энциклопедиясида нейтрал бир мақола қолди, ҳолос. 1979 йилда совет ОАВда И.В.Сталиннинг 100 йиллиги ҳақида хабар қилинди, бироқ алоҳида тантаналар уюштирилмади.

Ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмига келиб вазият ўзгарди: Кайта куриш ва

Ошкоралик кайфиятида И.В.Сталин ва унинг хукмронлиги мавзуси яна энг кўп муҳокама килинадиган мавзуга айланди.

[1] Профессор политологии и историк Алексей Кара-Мурза в программе «Именем Сталина: историческое наследие сталинской эпохи»

[2] Профессор русской истории университета Джонса Хопкинса, Джеффри Брукс.

[3] Профессор русской истории университета Джонса Хопкинса, Джеффри Брукс.

[4] Профессор русской истории университета Джонса Хопкинса, Джеффри Брукс.

[5] «Теория государства и права. Гриф МО РФ», издательство «Норма», ISBN 978-5-89123-785-8

[6] К. М. Лебединский Чувство Времени, 2005.

С. Сверчков Почетный гражданин — начальник Всея Руси // Правда. — 2006. — № 54 (26-29 мая).

М. Делягин. Сотвори кумира // Завтра. — 2006. — № 40 (672), 04.10.2006.

[7] Александр Федонин, историк. Между Юзовкой и Донецком. Сайт «Донецк: история, события, факты.» (22 сентября 2010).

[8] Краткий курс истории ВКП(б). — Госполитиздат, 1945.

[9] Краткий курс истории ВКП(б). — Госполитиздат, 1945.

[10] В. П. Наумов. К истории секретного доклада Н. С. Хрущёва. //«Новая и новейшая история», № 4, 1996.

[11] Никита Сергеевич Хрущев. О культе личности и его последствиях. Доклад XX съезду КПСС

[12] Лион Фейхтвангер. Москва 1937

[13] Олег Смыслов. Загадки советских наград. 1918—1991 годы. — М.: Вече, 2005. — ISBN 5-9533-0446-3

[14] Ю. А. Жданов. Без теории нам смерть!

[15] Плампер Я. Алхимия власти. Культ Сталина в изобразительном искусстве = The Stalin Cult: A Study in the Alchemy of Power. —

Москва

:

НЛО

, 2010. —

С

. 185–208.

[16] Ольга Эдельман. Сталин, Коба и Сосо. Молодой Сталин в исторических источниках. — Москва: Издательский дом ВШЭ, 2016. — С. 27-28. — ISBN 978-5-7598-1352-1.

[17] Михаил Смиртюков. СССР Совнарками котибияти мудир муовинининг хотираларидан.

[18] Диссертация на тему «Полководческий образ Сталина периода гражданской войны в трактовке советского художественного кинематографа второй половины 1930-х — начала 1950-х годов»

[19] Диссертация на тему «Полководческий образ Сталина периода гражданской войны в трактовке советского художественного кинематографа второй половины 1930-х — начала 1950-х годов»

Абу Муслим, "Шахсга сигиниш" китобидан